ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БАКАЕВ ИЛҲОМ ИЗАТОВИЧ

ЎЗБЕК ТИЛИ СЎЗ ШАКЛЛАРИНИ МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ

Тошкент – 2021

УДК 004.9+81'322.2:811.512.133

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БАКАЕВ ИЛҲОМ ИЗАТОВИЧ

ЎЗБЕК ТИЛИ СЎЗ ШАКЛЛАРИНИ МОРФОЛОГИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2021.3.PhD/T2374 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Равшанов Нормахмад** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Мухамедиева Дилноз Тулкуновна** техника фанлари доктори, профессор
	Норов Абдисаит Мурадович техника фанлари бўйича фалсафа доктори
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100200, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (236 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100200, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-ўй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «16» декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил «6» декабрь даги 71 рақамли реестр баённомаси).

Р.Х. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Ф.М. Нуралиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, доцент

М.А. Рахматуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳужжатларни айлантириш тизимларидан тортиб, кўп тилли ахборот қидириш тизимлари, машинавий таржима тизимлари, савол-жавоб тизимлари ҳамда маҳаллий маълумотлар базалари каби табиий тилдаги матнларни қайта ишлаш тизимларида маълумотларни самарали қайта ишлаш учун лингвистик тузилмалар асосида моделлар, алгоритмлар ва дастурий воситалар ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу тизимлар учун матнлардан токенларни таниб олиш, сўзнинг техник ёки морфологик асоси аниқлаш, сўзларни морфем тузилмасига кўра таҳлил қилиш, сўзнинг турли хил вариантларини шакллантириш ва грамматик хусусиятларини аниқлаш каби морфологик таҳлил қилиш масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, табиий тиллардаги матнларни қайта ишлаш учун морфологик таҳлил қилиш дастурий воситаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар АҚШ, Европа мамлакатлари, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Россия Федерацияси ҳамда Бирлашган араб амирлиги каби мамлакатлар учун доимо долзарб бўлган.

Дунёда табиий тилларни қайта ишлаш бўйича етакчи мактаблар томонидан сўз шаклларни морфологик таҳлил қилиш учун математик моделлар, алгоритмлар ва дастурий воситаларни ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда ушбу изланишларнинг натижалари кўп тилли ахборот қидириш тизимларида берилган сўровларни токенизация қилиш, сўзнинг асоси ва турли хил вариантларини шакллантириш, машинавий таржима тизимлари ва савол-жавоб тизимларида гапнинг структурасини белгилашда ҳар бир сўзнинг туркуми ва грамматик хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Ўзбекистонда ҳам табиий тилларни қайта ишлаш жараёнини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, ўзбек компьютер лингвистикасини ривожлантириш ва тил муаммоларини ҳал қилиш устида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш мақсадида республикамиз раҳбарияти томонидан «...ўзбек тилини Интернет жаҳон ахборот тармоғида оммалаштириш, унда муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, дастурий маҳсулотларнинг ўзбекча иловаларини яратиш, ўзбек тилини ўргатувчи компьютер дастурларини кенг миқёсда амалиётга татбиқ қилиш; ўзбек тилидаги матнлар таҳририга мўлжалланган компьютер дастурларини яратиш...»[1] вазифалари белгиланган.

Бу вазифаларни муваффақиятли амалга оширилиши ўзбек тили сўз шаклларининг морфологик таҳлил қилиш моделлари ва алгоритмларини,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084 сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони.// www.xabar.uz

лотин ва кирилл алифбосини эътиборга олган ҳолда ўзбек тилидаги матнларни самарали қайта ишлашга мўлжалланган дастурий воситаларни ишлаб чиқиш технологиялари ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Математик лингвистика, сўз шаклларини морфологик таҳлил қилиш модел ва алгоритмлари асосида табиий тиллардаги матнларни қайта ишлаш учун компьютер тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш кўплаб хорижий олимлар жумладан, Ю.Н. Марчук, И.С. Николаев, О.В. Митренина, Т.М. Ландо, К.К. Боярский, Е.И. Большакова, И.М. Ножов, Е.П. Соснина, И.А. Большаков, Р. Митков, А.В. Луканин, Т.В. Батура, Дж.Ш. Сулейманов, А.Р. Гатиатуллин, Р.А Гильмуллин, А.Б. Альменова ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда машинавий лингвистика муаммолари, шунингдек, табиий тиллардаги нутқ сигналлари ва матнларни қайта ишлаш, машинавий таржима, туркий тиллар учун электрон луғатларни шакллантириш, ўзбек тили фонетикаси ва морфологияси ни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш Ш.А. Назиров, М.М. Арипов, М. М. Мусаев, М.А. Рахматуллаев, Б.Б. Мўминов, М.Х. Хакимовлар бошлигида бир қатор олимлар ва томонидан амалга оширилди.

Бу олимларнинг илмий ишлари бугунги кунда ўзбек компьютер лингвистикасини ўрганиш учун энг нуфусли манба ҳисобланади. Гарчи улар томонидан назарий ва амалий жиҳатдан салмоқли натижаларга эришилган бўлса-да, шунга қарамай ўзбек тилининг сўз шаклларини морфологик таҳлил қилиш модел ва алгоритмлари асосида матнларни автоматик қайта ишлашнинг дастурий тизимларини яратиш ҳозирги вақтгача етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги АКТ Илмий инновацион маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-ОТ-2019-12 «Исломшунослик илмига салмоқли ҳисса қўшган аждодларимиз асарларининг замонавий илмий-амалий талқини ва таҳлилига бағишланган электрон «Ақлли кутубхона» платформасини яратиш ва оммалаштириш» (2019-2021) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилининг сўз шаклларини морфологик таҳлил қилиш моделлари, алгоритмлари ва вебга йўналтирилган дастурий воситаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тилидаги сўз шаклларининг морфем моделлари ва ўзбек тили учун сўз ясалиши алгоритмларини тадқиқ этиш ҳамда ишлаб чиқиш;

ўзбек тилидаги сўзларнинг морфологик асосини аниқловчи ва сўз шаклларини морфем таҳлил қилувчи алгоритмларни ишлаб чиқиш;

ўзбек тилидаги сўз шаклларининг грамматик хусусиятларини ифодаловчи лексиконни шакллантириш;

матндан токенларни таниб олиш учун чекли автоматдан фойдаланиб продукцион қоидалар асосидаги билимлар базасини ишлаб чиқиш;

ўзбек тилидаги сўзларни морфологик таҳлил қилиш жараёнининг функционал моделини ишлаб чиқиш;

ўзбек тилидаги сўз шаклларини морфологик таҳлил қилишнинг вебга йўналтирилган дастурий воситасини лойиҳалаштириш учун коммуникацион моделлар ва маълумотларнинг ахборот моделларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида табиий тиллардаги матнларни компьютерда қайта ишлаш жараёни танланган.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек тилидаги сўз шакллари морфологик таҳлил қилишнинг морфем модел ва алгоритмлари ва дастурий воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда математик статистика, компьютер лингвистикаси тўпламлар назарияси методлари, шунингдек, тақсимланган веб-иловаларни ва маълумотлар базасини ишлаб чиқиш технологиялари ҳамда лойиҳалаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили орфографияси, пунктуацияси ва лингвистик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сўз ясалишининг алгоритмлари ҳамда сўз шаклларининг морфем моделлари ишлаб чиқилган;

ўзбек тилидаги аффиксация усули билан ясалган сўз шаклларини морфем таҳлил қилувчи, ўзак морфемаларини аниқловчи алгоритмлар ишлаб чиқилган;

ўзбек тилидаги сўз асослари лексикони ва грамматик теглардан фойдаланиш асосида лексемаларни таниб олиш алгоритми ишлаб чиқилган;

чекли автоматлар тўпламидан иборат продукцион қоидалар асосида ўзбек тилидаги матнлардан токенларни таниб олувчи билимлар базаси ишлаб чиқилган;

ўзбек тилидаги сўз шаклларини морфологик таҳлил қилиш дастурий тизимини лойиҳалаштириш модели, шу жумладан, функционал IDEF0 модели, информацион IDEF1x модели, объектга йўналтирилган синфлар модели, REST архитектураси асосидаги коммуникация модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилининг сўз шаклларини морфологик таҳлил қилишнинг ташқи қидирув тизимларидаги сўровларга хизмат кўрсатувчи веб-сервис сифатида интерактив режимда фаолият юритувчи вебга йўналтирилган дастурий воситаси ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган дастурий восита содда туб, содда ясама, қўшма, жуфт, такрорий сўзлар ҳамда қисқартма сўзларнинг имлоси ва тузилишини, шунингдек, аффиксация усули билан ясалган сўз шаклларининг ўзак морфемаларини аниқлаш ва сўз шаклларини морфем таҳлил қилиш сифатини ҳисобга олган ҳолда, ўзбек тилидаги матнларнинг токенизациясини такомиллаштириш орқали республиканинг бир қатор ахборот-кутубхона марказларининг қидирув тизимларида матнли сўровларни қайта ишлаш самарадорлигини ва натижаларини тақдим этиш мувофиқлигини ошириш имкониятини берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган муаммоларнинг математик жиҳатдан тўлиқ ва аниқ ифодаланганлиги, лингвистик тушунчалар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлашда морфем моделларнинг тўғри қўлланганлиги, назарий маълумотлар ҳамда тадқиқотнинг амалий натижаларининг ўзаро мувофиқ келганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар компьютер лингвистикаси методлари ривожига, ўзбек тилининг сўз шаклларини моделлаштириш ва морфологик алгоритмларни ишлаб чиқишга, шунингдек, ўзбек тилидаги матнларни автоматик қайта ишлаш тизимларини лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқиш усулларини яратишга алоҳида ҳисса қўшганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек тилидаги қидирув сўровларини қайта ишлашни такомиллаштириш, республиканинг бир қатор ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида тўлиқ матнли ҳужжатлар кутубхоналари ва библиографик ёзувлар электрон каталогларида қидирувда мувофиқлик натижаларини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган «Morphoanalyzer» вебга йўналтирилган дастурий воситасини қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилидаги сўз шаклларини морфологик таҳлил қилиш моделлари, алгоритмлари ҳамда веб-дастурий воситадан фойдаланиш асосида:

Электрон кутубхона тизимида ахборот ресурсларини излашда ўзбек тилидаги матнли сўровларни морфологик таҳлил қилиш учун моделлар, алгоритмлар ва дастурий таъминот Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти Ахборот-кутубхона марказида ҳамда Бухоро давлат университети

Ахборот-ресурс марказида жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агенлигининг 2021 йил 22 сентябрдаги 11-3885-сон маълумотномаси). Жорий қилиш натижасида имло хатоларини автоматик тузатиш ва сўзлар имлосининг тўғри вариантларини бериш орқали электрон каталог тизимида ўзбек тилидаги ҳужжатларнинг библиографик тавсифларини тузиш операцияларини бажаришда вақт ва меҳнат сарфини 9-11 % камайиш имконини берган.

Ўзбек тилидаги сўз шаклларини морфологик таҳлил қилиш моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминоти Ўзбекистон Миллий кутубхонасига жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агенлигининг 2021 йил 22 сентябрдаги 11-3885-сон маълумотномаси). Жорий қилиш натижасида морфем таҳлил аниқлиги ҳисобига библиографик ёзувлар электрон катологи ва тўлиқ матнли ҳужжатлар электрон кутубхонаси тизимларида ахборот ресурсларини қидириш натижаларининг мувофиқлигини ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг назарий ва амалий натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, 6 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 2 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилмаси. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари тавсифланган, тадқиқот натижаларининг ишончлиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Табиий тилларда матнни қайта ишлаш соҳасининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари**» деб номланган биринчи боби бешта параграфдан иборатдир. Биринчи параграфда табиий тилларни қайта ишлаш ривожланиш босқичлари, табиий тилларни қайта ишлашнинг бешта асосий компонеталари ҳақида маълумотлар келтирилган. Иккинчи параграфда морфологик таҳлил қилишнинг ёндашувлари афзаллиги

ва камчилигига кўра таҳлил қилинган. Учинчи параграфда морфологик таҳлил қилиш дастурларининг таснифи ва имкониятларига кўра қиёсий таҳлили келтирилган. Тўртинчи параграфида чет эл давлатларида ва республикамизда агглютинатив тилларни морфологик таҳлил қилиш дастурларининг функционал имкониятларига кўра олиб борилаётган илмий тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Бобнинг бешинчи параграфида ушбу муаммо бўйича илмий манбаларни батафсил таҳлил қилиш асосида тадқиқот мақсади ва вазифалар белгиланган.

Диссертациянинг «**Ўзбек тили сўз шаклларини морфологик таҳлил қилиш модел ва алгоритмлари**» деб номланган иккинчи бобида токенизация алгоритмлари ва токенизация бўйича илмий тадқиқотлар натижалари, сўз шаклларини асосини аниқловчи мавжуд стемминг алгоритмларини ишлаб чиқишдаги ёндашувлар, ўзбек тилидаги матнлардан токенларни ажратиб олиш учун ифодалар ва алгоритм, сўз шаклларининг морфем моделлари асосида сўзларни морфологик асосини аниқлаш ва морфем таҳлил қилиш алгоритмлари, сўз туркуми ва грамматик хусусиятларини аниқлаш алгоритмлари ишлаб чиқишга бағишланган.

Ўзбек тилидаги токенларни шартли равишда икки гуруҳга ажратилди Биринчи гуруҳга қисқартма шаклдаги, иккинчи гуруҳга сўз ясалишига кўра токенлар (қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар) киритилди. Аксарият ҳолларда мавжуд токенизаторлар иккинчи гуруҳга тегишли токенларни ажратиб олишда семантик хатоликка йўл қўяди. Қайд этилган муаммони инобатга олган ҳолда, иккинчи гуруҳга мансуб қўшма, жуфт, такрорий сўзларни ёзишнинг имло қоидаларини тавсифловчи математик ифодалар таклиф қилинди:

$$w_{qs} = w'_{qs} + c_{sp} + w''_{qs}, \quad (1)$$

$$w_j = w'_j + \rho + w''_j, \quad (2)$$

$$w_t = w'_t + \rho + w'_t, \quad (3)$$

Бу ерда, w_{qs} – қўшма сўз, w_j – жуфт сўз, w_t – такрорий сўз. w'_{qs}, w''_{qs}, w'_j, w''_j w'_t – мустақил маънога эга бўлган сўз, сўзнинг бу икки қисми янги луғавий маънони ифодалайди, ρ – дефис белгиси, c_{sp} – пробел белгиси.

Юқоридаги ифодалар орқали тасвирланган токенларни матндан таниб олиш учун чекли автомат(ЧА) ишлаб чиқилди. Масалан, w_{qs} турдаги 3 та қўшма сўзни (равиш сўз туркуми мисолида u yerga, bu yerda, shu yerdan) 1 та ЧА орқали қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-расм).



1-расм. w_{qs} - турдаги 3та қўшма сўз учун чекли автомат

1-расмда тасвирланган ЧА қуйидаги регуляр ифода орқали ифодаланади: $((sh)|b)^{*}u) \setminus s\ (dan|da|ga)?$

Жуфт ва такрорий ҳамда қисқартма сўзларнинг математик ифодалари учун ҳам чекли автомат шу тартибда тузилади ва регуляр ифода кўринишига келтирилади. Ҳар бир математик ифода асосида тузилган регуляр ифодалар ёрдамида токенизация алгоритми тузилади. Матнларни токенизация қилиш алгоритми қуйидаги қадамлардан иборат:

1-қадам. Алгоритм бошланади.

2-қадам. Сатр туридаги «text» ўзгарувчисига матн киритилади (клавиатура, ахборот алмашинув буфери, ёки файл орқали).

3-қадам. Матндаги мавжуд қўшма сўз биграмм токенлар ва уларнинг маркеридан иборат «ng» луғат ҳосил қилинади. Қўшма сўз биграмм токенлар билимлар базаси орқали ажратиб олинади.

4-қадам. Қўшма сўз биграмм токенлар луғати бўш бўлмаса, 5-қадамга ўтилади, акс ҳолда 6-қадамга ўтилади.

5-қадам. «text» даги мавжуд қўшма сўз биграмм токенлар маркерланади.

6-қадам. «text» ўзгарувчисидаги матн пробел бўйича руйхатга айлантирилади. Агар «ng» луғат бўш бўлмаса, рўйхатдаги маркерлар қўшма сўзга алмаштирилади.

7-қадам. Рўйхат туридаги «x» ўзгарувчининг қиймати экранга чиқарилади.

8-қадам. Алгоритм ўз ишини тугатади.

Иккинчи бобнинг §2.2 параграфида сўз шаклларини морфологик асосини аниқлаш модел ва алгоритмлари ишлаб чиқилган. Ўзбек тилидаги сўз шаклларини морфологик асосини аниқлашда сўзнинг структураси муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан қуйидаги математик ифодалар орқали тасвирланган лингвистик қоидалар асосидаги аффиксация усули билан ясалган сўз шаклларининг морфемик моделлари таклиф этилди:

$$w_{sy} = K + \left\{ \sum_{l=1}^{m} sx_l \right\} + \left\{ \sum_{i=1}^{n} af_i \right\}. \qquad (5)$$

Бу ерда K- содда туб сўз (ўзак), sx- сўз ясовчи аффикс (суффикс), af - аффикслар, Σ- 0,1, …n кетма-кет конкатенация операцияси, l – суффикслар миқдори индекси, i – аффикслар миқдори индекси. w_{sy} - содда ясама сўз. Фикримизни далиллаш учун от сўз туркумидаги «gul-don-lar-imiz-ni» сўз шаклини таҳлил қиламиз. Бу мисолда K- «gul», sx- «-don», af - «-lar », «-imiz »,«-ni », «gul-don-lar-imiz-ni» - w_{sy} сўз шакли.

$$w_{psy} = \{\Pr\} + K + \left\{ \sum_{l=1}^{m} sx_l \right\} + \left\{ \sum_{i=1}^{n} af_i \right\}. \qquad (6)$$

Бу ерда, Pr – сўз ясовчи аффикс (префикс), w_{psy} - содда ясама сўз(префиксли). Масалан, «be-adab-garchilik-lar-ni» сўз шаклини таҳлил

қиламиз. Бунда « be-» - Pr , «adab»- K, «-garchilik»- sx ,«-lar»,«-ni»- af , «be-adab-garchilik-lar-ni»- w_{psy} сўз шакли.

$$w_{st} = K + \left\{ \sum_{i=1}^{n} af_i \right\}. \qquad (7)$$

Бу ерда, w_{st} - содда туб сўз. Масалан, «kitob-lar-imiz-ning» сўз шаклини таҳлил қиламиз. Бунда «kitob»- K, «-lar», «-imiz», «-ning»- af ,«kitob-lar-imiz-ning» - w_{st} сўз шакли.

(5), (6), (7) морфем моделлар учун алгоритм ишлаб чиқилди w_{st} содда туб сўзда аффикслар ўнг томондан, w_{psy} ва w_{sy} содда ясама сўзларда эса аффикслар чап ва ўнг томондан қўшилади. Бу каби сўзларнинг аффикслари чап ва ўнг томондан ўчириш орқали асоси топилади.

Алгоритм қуйидаги қадамлардан иборат:

1-қадам. Алгоритм бошланади.

2-қадам. «S» номли сатр ўзгарувчига сўз киритилади.

3-қадам. «S» ўзгарувчининг қиймати «SS» номли сатр ўзгарувчига ўзлаштирилади, яъни сўзнинг нусхаси яратилади.

4-қадам. «SS» қиймати dbStemShow(SS) функция орқали маълумотлар базасидан изланади. Агар сўз нусхаси маълумотлар базасида мавжуд бўлса, функция рост қийматни қайтаради, акс ҳолда ёлғон қийматни қайтаради. Кейин эса dbStemShow(SS) функциясининг қайтарадиган қиймати мантиқий турдаги «b» номли ўзгарувчига ўзлаштирилади.

5-қадам. «b» ўзгарувчининг қиймати рост бўлса, яъни «SS» қиймати маълумотлар базасида мавжуд бўлса, унда 16-қадамга ўтилади.

6-қадам. preffunc(SS) функцияси орқали киритилган сўзни префикси изланади. Агар сўзда префикс бор бўлса, preffunc(SS) функциянинг қайтарадиган қиймати «pref» номли сатрий ўзгарувчисига ўзлаштирилади. Акс ҳолда «pref» ўзгарувчисига «null» қиймат ўзлаштирилади.

7-қадам. Агар «pref» ўзгарувчисининг қиймати бўш бўлмаса, яъни префикс мавжуд бўлса, 13-қадамга, мавжуд бўлмаса, 8-қадам ўтилади.

8-қадам. Сўз узунлиги бўйича i:=(0,Length(S)-1,1) 1 та қадамли итерация бошланади.

9-қадам. Ҳар бир итерацияда сатрни тескари тартибда i-узунликдаги қисми ўчирилиб, dbStemShow(S.SubStr(0,Length(S)-i)) функцияси орқали маълумотлар базасидан изланади ва қайтарадиган қиймати «b» ўзгарувчига ўзлаштирилади.

10-қадам. Ҳар бир итерацияда dbStemShow(S.SubStr(0,(Length(S)-1)-i)) функциянинг мантиқий қиймати текширилади. Агар «b» ўзгарувчининг қиймати рост бўлса яъни сўз маълумотлар базасидан топилса, унда 11-қадам ўтилади, акс ҳолда кейинги итерация учун 8-қадамга ўтилади.

11-қадам. «SS» ўзгарувчисига S.SubStr(0,Length(S)-i) функциясининг қиймати ўзлаштирилади ва 16-қадамга ўтилади.

12-қадам. Агар итерация жараёнида асос топилмаса, «SS» ўзгарувчига «S» ўзгарувчининг қиймати ўзлаштирилади ва 16-қадамга ўтилади.

13-қадам. Сўзни префиксдан кейинги қисми кесиб олиниб, dbStemShow(S.SubStr(Length(pref),Length(S)-1) функцияси орқали маълумотлар базасидан изланади ва қайтарадиган қиймати «b» ўзгарувчига ўзлаштирилади.

14-қадам. «b» ўзгарувчининг қиймати рост бўлса, яъни сўз маълумотлар базасида мавжуд бўлса, 15-қадамга ўтилади. Сўз маълумотлар базасида мавжуд бўлмаса, 8-қадамга ўтилади.

15-қадам. Сўзнинг префиксдан кейинги қисми S.SubStr(Length(pref),Length(S)) орқали кесиб олиниб, «SS» ўзгарувчисига ўзлаштирилади.

16-қадам. «SS» ўзгарувчининг қиймати экранга чиқарилади.

17-қадам. Алгоритм тугайди.

Жуфт ва такрорий сўзларнинг асосини топиш модел ва алгоритмлари диссертациянинг §2.2 параграфида келтирилган.

Иккинчи бобнинг §2.3 параграфида сўз шаклларини морфемик таҳлил алгоритми ишлаб чиқилган. Сўзни морфем структурасига кўра таҳлил қилинганда, сўз морфемаларга ажратилади ва маъноли қисмлар аниқланади. Сўзларни морфемик таҳлил қилишда сўзнинг ясалиш структурасининг морфем моделидан фойдаланиб, морфемик таҳлил қилиш алгоритмини тузамиз. (5), (6), (7) - морфем моделлар орқали ифодаланган сўз шаклларини морфотактика қоидалари асосида ЧА фойдаланиб, морфемик таҳлил қилиш алгоритми тузилди. ЧА қуйидаги бешта элемент орқали аниқланади:

$$M = (\theta, Q, q_0, F, \delta),$$

М – ЧА, $\theta = \{PR, K, SX, AF\}$ – кирувчи алифбо, $Q = \{q_0, q_1, q_2, q_3, q_4\}$ – ҳолатлар тўплами, $\delta(Q,\theta): Q \times \theta \to Q'$ – ўтиш функцияси, q_0 , $(q_0 \in Q)$ – бошланғич ҳолат, F , $(F \subseteq Q)$ – натижавий ҳолатлар тўплами.

Чекли автомат орқали содда туб сўз шаклини аниқлаш учун ўтиш функцияси қуйидаги қийматларни қабул қилиши керак:

$$\delta(q_0, K) = q_2, \delta(q_2, \text{AF}) = q_4, \delta(q_4, AF) = q_4.$$

Содда ясама (суффиксли) сўз шаклини аниқлаш учун ўтиш функцияси қуйидаги қийматларни қабул қилиши керак:

$$\delta(q_0, K) = q_2, \delta(q_2, SX) = q_3, \delta(q_3, \text{SX}) = q_3, \delta(q_3, AF) = q_4.$$

Содда ясама (префиксли) сўз шаклини аниқлаш учун ўтиш функцияси қуйидаги қийматларни қабул қилиши керак:

$$\delta(q_0, PR) = q_1, \delta(q_1, K) = q_2, \delta(q_2, SX) = q_3, \delta(q_3, \text{AF}) = q_4,$$

$$\delta(q_3, \text{SX}) = q_3, \delta(q_3, AF) = q_4, \delta(q_4, AF) = q_4.$$

Иккинчи бобнинг §2.4 параграфида сўз туркумлари ва уларнинг грамматик хусусиятларни аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Сўзларнинг туркумини ва грамматик хусусиятларини аниқлаш алгоритмини тузишда қуйидаги босқичлар амалга оширилади: сўзни морфемаларга ажратиш; сўз туркумлари учун ифодаловчи «тэг»лар лексиконини ишлаб чиқиш; ҳар бир сўз

туркуми учун грамматик хусусиятларни ифодаловчи тэгларнинг лексиконини ишлаб чиқиш. Сўз шаклларининг грамматик хусусиятларини аниқлаш алгоритмини тузиш учун чекли шакл алмаштиргичдан фойдаланилди .

Чекли шакл алмаштиргич(ЧША) қуйидаги етти элементдан иборат:

$$M_{чша} = (Q, \theta_{in}, \theta_{out}, \delta, \omega, q_0, \mathrm{F}).$$

$M_{чша}$ – чекли шакл алмаштиргич, Q – ҳолатлар тўплами, $\theta_{in} = \{\mathrm{A}, \mathrm{l}_1, \mathrm{s}_1, \mathrm{s}_2\}$ – кирувчи алифбо, $\theta_{out} = \{N, "Pl", "3pSg", "CA"\}$ – чиқувчи алифбо, $\delta(Q, \theta_{in}) : Q \times \theta_{in} \to Q'$ – ўтиш функцияси, $\omega(Q, \theta_{in}) : Q \times \theta_{in} \to \theta_{out}$ – чиқиш функцияси, $q_0 \in Q$ – ЧША бошланғич ҳолати, $F \subseteq Q$ – натижавий ҳолатлар тўплами.

Кирувчи алифбода А-асос, l_1 –кўплик аффикси, s_1-эгалик аффикси, s_2-келишик аффикси элементлари қуйидагича аниқланади. Масалан, кирувчи алифбо сифатида от сўз туркумига тегишли «kitoblarini» сўз шаклини олсак, бу сўз шакли қуйидаги чекли шакл алмаштиргич кўринишида тасвирланади:



2-расм. От сўз туркуми учун ЧША

2-расмда келтирилган ЧША q_2, q_3, q_4 натижавий ҳолатларига эга ва бу орқали «kitoblar», «kitoblari», «kitoblarini» каби сўз шакллари учун грамматик тэгларни белгилаш мумкин. ЧША сўзни грамматик теглаш жараёни 1-жадвалда тасвирланган.

1-жадвал. ЧША учун ўтишлар жадвали

№	kitob	Lar	i	ni
q_0	(q_1, kitob)	-	-	-
q_1	-	(q_2,Pl)	-	-
q_2	-	-	(q_3,3pSg)	-
q_3	-	-	-	(q_4,ni)
q_4	-	-	-	-

Диссертациянинг **«Ўзбек тилидаги сўзларни морфологик таҳлил қилиш дастурий воситалари»** деб номланган учинчи бобида «Morphoanalyzer» дастурий воситасининг архитектураси ва IDEF0 функционал модели, объектга йўналтирилган синфлар модели, маълумотлар базасининг IDEF1x модели, продукцион қоидалар асосидаги билимлар базасини ишлаб чиқиш масалалари кўрилган.

«Morphoanalyzer» дастурий воситаси уч қатламли архитектура асосида қурилган бўлиб, мижоз қатлами, мантиқий қатлам ва маълумотлар қатламидан иборат. Мантиқий қатлам кирувчи маълумот сифатида сўз ва матн қабул

қилади ва чиқувчи маълумот сифатида сўзлар ва сўз тури рўйхати, сўз ва унинг асоси, асос ва аффикслар рўйхати, сўз ва унинг грамматик хусусиятларини қайтаради. «Morphoanalyzer» дастурий воситасининг мантиқий қатлами 3-расмда IDFE0 модели орқали тасвирланган.



3-расм. «Morphoanalyzer» дастурий воситасининг IDFE0 модели

Логика қатламининг IDFE0 модели тўртта функционал модуллардан ташкил топган**:** матнларни токенларга ажратиш модули; сўзларни нормаллаштириш модули; сўзни морфемик таҳлил қилиш модули; сўзни грамматик хусусиятларини топиш модули.

Ушбу модуллар вазифасини қуйидаги синфлар бажаради**:** масалан, матнларни токенларга ажратиш модули вазифасини “Token” синфи, сўзларни нормаллаштириш модули вазифасини “Stem” синфи, сўзни морфемик таҳлил қилиш ва грамматик хусусиятларини топиш модули вазифасини “PostTagMorphem” синфлари амалга оширади.

«Morphoanalyzer» дастурий воситасининг ушбу синфлари фойдаланувчига компьютер тармоғи орқали REST API архитектураси асосида ахборот алмашиниш имкониятини беради (4-расм).

«Morphoanalyzer» дастурий воситаси 2-жадвалда келтирилган бўлиб, URL манзиллар асосида ахборот алмашиниш имкониятини беради.

Масалан, «kitobxon» сўзини юборганимизда натижа JSON кўринишида қуйидагича қайтарилади:

{"value": "kitobxon", "affix": "xon", "affixtype": "so’z yasovchi suffuks"}.



4-расм. Синфлар модели билан REST API ўртасидаги коммуникацион модел

2-жадвал. REST API билан ахборот алмашиниш манзиллари

API учун номлари	URL манзиллар	Қўлланиладиган метод
Token	token/api_key/text	GET
TokenList	/tokenList/text	GET
Stem	/stem/value	GET
PostTag	/posttag/value	GET
PostTagList	/posttaglist/value	GET

«Morphoanalyzer» дастурий воситасининг ҳар бир функционал модули ўз вазифасини бажаришда продукцион қоидалар асосидаги билимлар базасидан фойдаланади. Масалан, токенизация алгоритми қўшма сўзларни ажратиб олиш қуйидагича амалга оширилади**:**

$$i =< Q; \mathrm{P}; \mathrm{A} \rightarrow \mathrm{B}; \mathrm{N} > .$$

Бу ерда, *i* – Токенизация(продукция номи), *Q* – Матндан ҳосил қилинган токенларнинг биграмм рўйхати(қўлланиладиган соҳа), P – билимлар базасида ҳар бир биграмм элементининг 0-индекслари комбинациясига номи мос келадиган қоидалар тўпламининг мавжудлигини текширишнинг бошланғич шарти, A – регуляр ифодага мос келувчи шарт(қоида), B– сўзларни маркировка ҳаракати, N – қўшма сўзни луғатга қўшиш ҳаракати.

Масалан, "har yerda"→"hy". Агар “hy” номли қоидалар тўплами бўлса, унда продукция фаоллаштириш шарти бажарилади, агар рост бўлса, белгилаш амалга оширилади ва луғатга “har yerda” сўзи киритилади.

Ушбу мисолда «hy» номли тўпламда 3 та қоида мавжуд бўлиб, киритилган сўзга 3 та қоида бирма-бир қўлланилади. Цикл киритилган сўзга барча қоидалар қўлланилганда ёки бирор-бир қоида рост қиймат қайтарганда тўхтайди (3-жадвал).

3-жадвал. Қўшма сўзлар учун билимлар базасининг ишлаш тамойили

Максимал итерация сони	Ишчи хотира (Киритилган сўз)	Тўплам	Тўпламнинг низоли қоидалари	Қўлланиладиган қоида
3	har yerda	hy	Q16, Q18, Q33	16

Диссертациянинг **«Morphoanalyzer» дастурий воситанинг тадбиқи»** деб номланган тўртинчи бобида морфологик таҳлил дастурий воситасининг аппарат-дастурий таъминотга бўлган талаблари, фойдаланувчининг функционал имкониятлари дастурий таъминотдан фойдаланиш йўриқномаси, эксперт томонидан берилган маълумотлар асосида олинган натижалар ҳамда дастурий таъминотни ишлаб чиқариш жараёнидаги тадбиқи ҳақида маълумотлар келтирилган.

«Morphoanalyzer» дастурий воситасининг икки турдаги фойдаланувчилари мавжуд: лингвист эксперт (администратор) ва фойдаланувчи. «Morphoanalyzer» дастурий воситаси фойдаланувчиларга бир неча ҳаракатларни бажариш имкониятини беради. Бу ҳаракатлар прецедент деб номланади. МТҚДВнинг ҳар бир прециденти ўз спецификациясига эга (4-жадвал).

4-жадвал. Матнни токенлаш прецеденти учун спецификация

Прецедент номи:Матнни токенлаш
Қисқача изоҳ: Матндан токенларни ажратади ва турини аниқлайди.
Вазифани бажарадиган синф: Token
Асосий фойдаланувчи: Фойдаланувчи
Бошланғич шартлар: Ихтиёрий браузер дастурининг мавжудлиги
Прецедентнинг вазифасини бажариш босқичлари: 1. Матндан токенлар ажратилади**.** 2. Токенларнинг тури аниқланади**.**

Охирги шартлар: Йўқ

«Morphoanalyzer» дастурий воситасида эртак, қонуний ҳужжатлар, ҳадислар, ўзбек ҳалқ мақоллари каби турли хил жанрдаги матнлардан фойдаланилди ва қуйидагича натижа берди (5,6-жадваллар).

5-жадвал. Токенизация алгоритми натижалари

№	Танланган корпуслар	Сўзлар сони	Сўз турлари		
			Қўшма	Жуфт такрорий	Қисқартма
1	Эртаклар	2100	147(7%)	84(4%)	0
2	Қонуний ҳужжатлар	2150	194(9%)	43(2%)	1769
3	Ҳадислар	2000	110(5.5%)	30(1.5%)	0

6-жадвал. Стемминг алгоритми натижалари

№	Танланган корпуслар	Сўзлар сони	Тўғри асослар
1	Эртаклар	1246	96%
2	Қонуний ҳужжатлар	1290	92.4%
3	Ҳадислар	1285	88.9%
4	Ўзбек халқ мақоллари	1200	94%

ХУЛОСА

«Ўзбек тили сўз шаклларини морфологик таҳлил қилиш моделлари ва алгоритмлари» мавзусидаги диссертация иши доирасида олинган асосий илмий натижалар қуйидагилардан иборат:

1. Табиий тиллардаги матнларни компьютерда қайта ишлаш жараёнининг асосий хусусиятлари тадқиқ қилинди ва морфологик таҳлил масалаларини ечиш учун моделлар, алгоритмлар ва дастурларни ишлаб чиқишдаги мавжуд ёндашувларнинг қиёсий таҳлили ўтказилди.
2. Агглютинатив тилларни морфологик таҳлил учун дастурларнинг функционал имкониятлари танқидий таҳлил қилинди.
3. Матнлардан қўшма, жуфт, такрорий сўзлар ва қисқартма сўзларни таниб олиш учун чекли автоматлар, шунингдек, ўзбек тилининг лингвистик хусусиятлари, имло қоидалари ва тиниш белгиларини ҳисобга олган ҳолда сўз ясалиш алгоритмлари ишлаб чиқилган.
4. Ўзбек тилида аффиксация усули билан ясалган сўз шаклларининг ўзак морфемаларини аниқлаш ва морфемик таҳлил қилиш алгоритмлари ишлаб чиқилди;
5. Ўзбек тилидаги сўзларнинг асослар лексикони ва грамматик теглардан фойдаланиш асосида лексемаларни таниб олиш алгоритми ишлаб чиқилди;

6. Ўзбек тилидаги матнлардан токенларни таниб олиш учун чекли автомат тўпламидан иборат продукцион қоидалар асосида билимлар базаси ишлаб чиқилди;

7. Ўзбек тилидаги сўз шаклларини морфологик таҳлил қилиш дастурий тизимини лойиҳалаш моделлари, жумладан, функционал IDEF0 ва IDEF1x ахборот моделлари, объектга йўналтирилган синфлар модели ва REST архитектураси асосидаги коммуникация модели ишлаб чиқилди;

8. Ўзбек тилининг сўз шаклларини морфологик таҳлил қилиш учун «Morphoanalyzer» веб-га йўналтирилган дастурий воситаси ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастурий восита ҳам интерфаол тарзда, ҳам ташқи қидирув тизимларининг сўровларига хизмат кўрсатиш учун веб-сервис сифатида фаолият кўрсатади.

9. Ишлаб чиқилган «Morphoanalyzer» дастурий воситаси электрон каталог тизимларида ўзбек тилидаги ҳужжатларнинг библиографик тавсифларини тузишда операцияларни бажариш тезлигини 9-11% га ошириш имкониятини берди, шунингдек, ўзбек тилидаги сўз шаклларини морфемик таҳлил қилиш сифатини ошириш ва сўзларнинг имлоси ва тузилишини ҳисобга олган ҳолда ўзбек тилидаги матнларнинг токенизациясини такомиллаштириш хисобига республиканинг бир қатор ахборот-кутубхона марказларининг қидирув тизимларида матн сўровларини қайта ишлаш ва натижаларнинг мувофиқ тарзда тасвирлаш самарадорлигини ошириш имкониятини берди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.T.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

БАКАЕВ ИЛХОМ ИЗАТОВИЧ

МОДЕЛИ И АЛГОРИТМЫ МОРФОЛОГИЧЕСКОГО АНАЛИЗА СЛОВОФОРМ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных машин, комплексов и компьютерных сетей

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.3.PhD/T2374.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Равшанов Нормахмад** доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Мухамедиева Дилноз Тулкуновна** доктор технических наук, профессор
	Норов Абдисаит Мурадович доктор философии по техническим наукам
Ведущая организация:	**Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «28» декабря 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100200, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 236). (Адрес: 100200, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан « 16 » декабря 2021 года.
(протокол рассылки № 41 от « 6 » декабря 2021 г.).

Р.Х. Хамдамов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, профессор

Ф.М. Нуралиев
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, доцент

М.А. Рахматуллаев
Председатель научного семинара
при научном совете
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире уделяется большое внимание разработке моделей, алгоритмов и программного обеспечения на основе лингвистических структур для эффективной обработки данных в системах обработки текстов на естественных языках – от систем управления документами до многоязычных систем поиска информации, а также систем машинного перевода, систем «вопрос-ответ» и локальных баз данных. Для разработки подобных систем важно исследование теоретических и практических аспектов морфологического анализа, таких как распознавание токенов в текстах, определение производящей основы слов, анализ слов в соответствии их с морфемной структурой, формирование различных вариантов слов и определение грамматических особенностей. Поэтому проблемы, связанные с дальнейшим развитием программных средств морфологического анализа для обработки текстов на естественных языках, всегда были актуальны для развитых стран, таких как США, страны Европы, Китай, Япония, Индия, Российская Федерация и Объединенные Арабские Эмираты.

В мире ведущие научные школы в области обработки текстов на естественных языках проводят исследования по разработке математических моделей, алгоритмов и программных средств для морфологического анализа словоформ. Результаты этих исследований, сегодня, позволяют осуществлять токенизацию текстовых запросов в многоязычных поисковых системах, выявлять основу и различные варианты слов, определять категорию и грамматические особенности каждого слова при определении структуры предложений в системах машинного перевода и системах «вопрос-ответ».

В Узбекистане также успешно проводятся научные исследования по теоретическому и практическому изучению процесса обработки текстов на естественном языке, по развитию узбекской компьютерной лингвистики и решению языковых проблем в целом.

В целях обеспечения активной интеграции государственного языка с современными информационными технологиями и коммуникациями, руководством нашей республики определены такие задачи как «...популяризация и обеспечение занятия достойного места узбекского языка во всемирной информационной сети Интернет; создание приложений программных продуктов на узбекском языке; широкое внедрение в практику компьютерных программ по обучению узбекскому языку; создание программ для редактирования текстов на узбекском языке...»[2].

Успешное выполнение указанных задач определяет востребованность дальнейшего развития математических моделей и алгоритмов морфологического анализа словоформ узбекского языка, а также технологий разработки программных продуктов, предназначенных для эффективной

[2] Указ Президента Республики Узбекистан №УП-6084 от 20 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране».

обработки текстов на узбекском языке с учетом особенностей латинской и кириллической графики.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных Указами Президента Республики Узбекистан № УП-5850 от 21 октября 2019 года «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка», № УП-6079 от 5 октября 2020 года «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан – 2030» и мерах по ее эффективной реализации», № УП-6084 от 20 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-4996 от 17 февраля 2021 года «О мерах по созданию условий для ускоренного внедрения технологий искусственного интеллекта», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Проблемы математической лингвистики, создания и развития компьютерных систем обработки текстов на естественных языках на основе моделей и алгоритмов морфологического анализа словоформ рассматривались в работах многих зарубежных ученых, таких как Ю.Н. Марчук, И.С. Николаев, О.В. Митренина, Т.М. Ландо, К.К. Боярский, Е.И. Большакова, И.М. Ножов, Е.П. Соснина, И.А. Большаков, Р. Митков, А.В. Луканин, Т.В. Батура, Дж.Ш. Сулейманов, А.Р. Гатиатуллин, Р.А Гильмуллин, А.Б. Альменова и других.

В Узбекистане, теоретические исследования проблем машинной лингвистики, в том числе обработки текстов и речевых сигналов на естественных языках, машинного перевода, формирования электронных словарей тюркских языков, фонетики и морфологии узбекского языка проводились такими учеными как, Ш.А. Назиров, М.М. Арипов, М.М. Мусаев, М.А. Рахматуллаев, Б.Б. Мўминов, М.Х. Хакимов и другими.

